

**МАХСУС ФАНЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ  
СТАНДАРТЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА БЕРИШНИНГ АҲАМИЯТИ  
ТҮҒРИСИДА.**

**Мингбоев Б.Т.**

*Асака туман 2-сон политехникуми*

*махсус фан ўқитувчиси.*

*[Mingboevb044@gmail.com](mailto:Mingboevb044@gmail.com)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада политехникум тизимидағи махсус фанларни ўқитишида замонавий ишлаб чиқаришдаги “5-S” стандартини ўқувчиларга үргатиши зарурлиги ва шартлари түғрисида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** саралаш; тозалиқда сақлаш; тартибга солиш; риоя қилишни ўрганиш; стандартлаштириш; тозалик; компания; такомиллаштириш.

Кейинги даврда таълим тизимида ўқув дастурларининг намуналарини яратишида уларни амалдаги шарт-шароитларни хисобга олиб такомиллаштиришда сезиларни ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўқув дастури асосида тақвимий ўқув режасини яратишида ўқитувчиларга маълум миқдорда мустақил равишида дастурга ўзгартириш киритиш имкони ҳам берилган.

Ўқув юртлари ўқув дастурларининг техникага оид махсус фанларида замонавий ишлаб чиқаришдаги стандартлар ҳақида тушунча беришни ташкил этишида ана шу имкониятдан унумли фойдаланиш ўқувчиларга зарур бўлган назарий ва амалий билимни пухтароқ бериш заминини яратади.

Замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида амалда бўлган стандартлар орасида энг зарури, кенг тарқалгани ва энг соддаси бўлган “5-S” стандартини ўқув дастурига киритиш айниқса ўта муҳимдир.

Камина 20 йиллик ишлаб чиқаришдаги шахсий тажрибамдан келиб чиқиб, қасб-хунарга ўқитиши учун мўлжалланган қатор ўқув дастурлари билан танишиб чиқиб, “5-S” стандарти тизимини албатта энг камида 160 дақиқалик назарий ва 80 дақиқалик амалий машғулот кўринишида ўқитиши керак деган хulosага келдим.

Аввало “5-S” стандарти, унинг моҳияти ва қоидаларини ўзлаштириш учун мавжуд адабиётлардан ташқари (бундай адабиётлар ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд) интернет тармоқларидағи аудио, видео ва ёзма манбалардан ҳам осон фойдаланиш мумкин.

Ўқувчига ушбу билим ишлаб чиқариш амалиёти даврида, битирув малакавий амалиёти даврида ва кейинчалик ишлаб чиқаришга бевосита

киришганида ва хатто ўзининг бизнес лойиҳасини ҳаётга тадбиқ қилишида ҳам жуда асқотишини таъкидлаш лозим.

“5-S” стандартини тушунтиришнинг назарий дарсини 1-қисмига “5-S” стандарти тарихини, унинг моҳиятини, асосий 5 та талабини ҳамда ишлаб чиқаришни ривожланиши, кучайиши ва унинг маданиятини оширишдаги натижадорлигини тушунтиришни киритиш, 2-қисмida эса стандартнинг ҳар бир 5 қисмини тартиб билан мукаммал ўрганишни ҳисобга олиш лозим.

“5-S” стандарти Япониянинг “Tayota” компаниясида 1965 йилда яратилган. “5-S”атамаси Япон тилидаги “S”харфи билан бошланадиган 5 та сифатни англатади.

1. Sepri-(сортировка)-сараплаш; 2. Seiton-(соблюдение порядка)-тартибга риоя қилиш; 3.Senso-(содержание в чистоте)-тозаликда сақлаш; 4. Seiketsu-(стандартизация)-тартибга солиш; 5. Sitseuke- (совершенствование)-такомиллаштириш.

Tayota компанияси мухандислари бу тизимни жорий қилиш орқали ишлаб чиқаришда мисли кўрилмаган натижаларга эришганлар, қисқа вақтда компаниянинг маҳсулотлари жаҳон брендига айланади. Хозирда ҳам бу компаниянинг нуфузи ўта баландлигини инкор қилиб бўлмайди.

Республикамиз Мустақилликка эришганидан кейин ишлаб чиқаришда, у хоҳ машинасозлик бўлсин, хоҳ енгил саноат бўлсин, хоҳ кимё саноати бўлсин ва х.к. ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг катта қисмини жаҳон бозорига экспорт қилиш масаласи кўндаланг қўйилгач, экспортга чиқиш йўлининг асосий шартларидан бири халқаро миқёсда амал қилаётган ишлаб чиқариш стандартларининг корхонада мавжудлиги ва уни жорий қилиниши даражаси экани маълум бўлди. Ишлаб чиқарувчилар стандартларни ўрганишга, ишлаб чиқаришга жорий қилишга киришдилар.

Стандартни саноатга олиб кириш эса ишчи-ҳодимларнинг ана шу стандартни қанчалик ўзлаштиришига ва унга амал қилишига албатта боғлиқдир. Шу маънода таклиф қилинаётган дарс мавзуларини муҳимлигини ортиқча исботлаш шарт эмасдир.

Дарснинг 2-амалий қисмини эса замонавий интерфаол дарс ўтиш методларининг исталган шаклини қўллаб ўтиш имконяти мавжуд. Масалан, синф хонасининг ўзида “5-S” стандартини жорий қилишни ташкил этиш мумкин. Жихозлар ва кўргазмали қуролларни, дарсликларни *сараплаш*, улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, ва унга *риоя қилишини ўрганиш*, хонада доимий тартибда *тозаликни таъминлаш*, дарс жараёнини, савол-жавобни, дарсни мустахкамлашни, такрорлашни, ёзib олишни *тартибга солиш* ҳамда юқоридаги вазифаларни доимий *такомиллаштириб бориши* йўлларини мухокама қилишни ўзи самарали амалий машғулотдир.

Ушбу мавзуга оид назарий ва амалий машғулотларни ўқувчиларга ўтиш вақтида уларнинг мутахассисликлари бўйича фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни, техник таъминланганлик, ишлаб чиқариш хажми, ишловчилар сони ва бошқа жихатлардан келиб чиқиб, стандартни жорий қилишда баъзи фарқланишлар бўлиши табиийлигини аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтиш ҳам зарур бўлади.

Масалан, ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган корхонадаги талаблар билан қўл меҳнатидан фойдаланишга кўпроқ асосланган корхонадаги стандарт тартиблари фарқланиши мумкин, аммо асосий қоидалар бир хил бўлиб қолаверади.

Техникага оид (автомобильсозлик, қишлоқ хўжалиги, пайвадлаш, энергетика, тикувчилик-бичувчилик, дастгоҳларга техник хизмат кўрсатиш, техникани таъмирлаш, майший хизмат кўрсатиш каби) деярли ҳамма касбларни ўрганишга қаратилган таълим жараёнида юкоридаги масала замон талаби даражасида кўзда тутилмаган бўлса ишлаб чиқаришга тайёрланаётган мутахассининг мўжкаммал билим олганлигини қандай даъво қилиш мумкин.

Стандартлаштириш, метрология ёки мутахассислик фанларининг намунавий дастурларида, улар асосида ишлаб чиқилган ишчи дастурларда иш жойларини ташкил этиш ва иш жойларида хавфсизлик техникасини, меҳнат муҳофазасини таъминлашга оид мавзуларида замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида амалда бўлган стандартлар (айниқса халқаро стандартлар) ҳақида тушунча беришни кўзда тутиш мухим масалалардан бири деб хисоблайман.

“5-S” стандартини унинг моҳияти ва имкониятларини камситмаган ҳолда амалдаги энг содда стандарт деб баҳолаш мумкин.

Шундай бўлсада ишлаб чиқаришда аллақачон ишчи - ҳодимларга КРІ тизими орқали ушбу стандартга тўлиқ амал қилганлиги учун мукофот ажратиш ёки уни бузганлиги учун жарима қўллаш тартиби ички меъёрий хужжатлар билан жорий этилганини таъкидлаш керак.

Демак, “5-S” стандартини ўқувчига ўрганиш, уни онгига тўғри сингдириш келажакда унинг иқтисодий манфаатдорлигини ҳам белгилайди.

Ўзим фаолият юритаётган ўқув даргоҳидаги 2-3 йиллик “5-S” стандартини ўқувчиларга ўргатиш тажрибаси, улар томонидан стандартни ўзлаштиришда деярли хеч қандай мураккаблик ёки тушунмовчиликларни келтириб чиқармаганини такидлашим мумкин.